

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**УРИНОВ СОБИР НАСИЛЛОЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА МОЙЛОВЧИ ГИЛЛИ  
БУРҒИЛАШ ЭРИТМАЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.11- Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Уринов Собир Насиллоевич**

Маҳаллий хомашё ресурслари асосида мойловчи гилли бурғилаш эритмаларини олиш технологиясини такомиллаштириш ва уларнинг қўлланилиши ..... 3

**Уринов Собир Насиллоевич**

Совершенствование технологии получения смазывающих глинистых буровых растворов на основе местных сырьевых ресурсов и их применение..... 19

**Urinov Sobir Nasilloevich**

Improvement of technology for producing lubricating clay drilling fluids based on local raw material resources and their application..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 38

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**УРИНОВ СОБИР НАСИЛЛОЕВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА МОЙЛОВЧИ ГИЛЛИ  
БУРҒИЛАШ ЭРИТМАЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.11- Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Т1782 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.iopx.uz](http://www.iopx.uz) ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Хамидов Босит Набиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Тошев Шерзод Орзиевич**  
PhD (техника фанлари), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 29 сентябрь 2021 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [iopxanguz@mail.ru](mailto:iopxanguz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2021 йил 15 сентябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил 15 сентябрь № 10 - рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С. Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**Ш.С. Намозов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., проф., академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда чуқур нефт ва газ қудуқларини бурғулаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, бундай қудуқлардаги юқори ҳарорат металл ускуналарни емирилишга ва уни авариявий ҳолатга олиб келади. Бурғу ва бурғулаш қурилмасининг бошқа айланувчи элементларига юқори ҳароратли таъсирни камайтириш мақсадида уларни, синтетик ва табиий усулларда олинадиган ёғлар билан мойлаш тавсия этилади. Улардан табиий усулда олинган ёғлар нисбатан қулай ва арзонроқ мойловчи хом-ашё ҳисобланади, чунки улар асосан маҳаллий мойлар, шунингдек чиқиндиларидан олинади. Ушбу муаммони ечиш республикада нефт ва газ қазиб олишни кенг қўламли ривожлантириш ҳамда ишлаётган қудуқлар фондини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда жаҳонда нефт ва газ қазиб олиш бўйича глобал рақобат шароитида, маҳаллий хом-ашёлар асосида мойловчи бурғулаш эритмаларини олиш ва қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, ёғ-мой саноати иккиламчи маҳсулотларидан олинган самарали мойлаш материалларини танлаш ва қўллаш; чуқур (1500 метрдан ортиқ) нефт ва газ қазиб олиш қудуқларида бурғу ва бурғулаш қурилмасининг бошқа ҳаракатланувчи элементларини мойлаш шароитини яратиш; нефт ва газ бурғулаш қурилмаси элементларини мойлаш жараёнлари ташкил этилганлигини ҳисобга олган ҳолда, қудуқнинг турли чуқурликларида ҳароратни бошқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда юқори ҳароратли чуқур қудуқларда нефт ва газ қазиб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштириш, маҳаллий хомашёлар асосида бурғулаш эритмаларини олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси учинчи йўналишида таъкидланган «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш<sup>1</sup>. Бу борада, чуқур қудуқларда ишлайдиган нефт ва газ бурғулаш қурилмаларида ишлатиладиган мойлаш ёғларини яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Ҳозирги кунда чуқур, юқори ҳароратли нефт ва газ қудуқларида бурғулаш қурилмаларини ишлатишда қўлланиладиган мойлар ва уларнинг олиниши тўғрисидаги кўплаб ишлар ҳақида адабиётлар маълум. Чуқур нефт ва газ қудуқларини бурғулашда керак бўладиган мойловчи, олдиндан белгиланган физик-кимёвий ва реологик хусусиятли ёғларни синтетик усулда олиш бўйича ишлар маълум. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бурғулаш қурилмаларини мойлашда ишлатиладиган ёғларни олишга хорижий ва миллий олимларимизнинг бир қатор ишлари бағишланган. МДХ давлатлари тадқиқотчиларидан Б.А.Андресон С.Н.Бастриков, Е.Беленко, Р.Н.Загидуллин, Н.Г.Кашкаров, В.Н.Кошелев, О.А.Лушпеев, Ю.Н.Мойс, Т.А.Мотылев, Р.А.Мулюков, А.И.Острягин, В.И.Рябченко, А.И.Булатов, Я.А.Рязанов, Е.Я.Пондоев, В.Х.Паронян, А.А.Шмидт, Г.М.Сергеев, К.С.Ахмедов, С.А.Зайнутдинов, Э.А.Арипов, С.С.Хамраев, А.А.Агзамходжаев, Б.Н.Хамидов, Ш.М.Саидахмедов, С.А.Абдурахимов, У.К.Ахмедов, С.Фозилов ва бошқаларнинг ишлари маълум. Хорижий давлатлар тадқиқотчиларидан J.A.Pollard, A.G.Heggem, K.F.Gray ва бошқаларнинг ишлари маълум.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда коллоид кимё ва реологик хусусиятларга эга мойлаш материалларини олиш мактаби Ўзбекистон Республикаси фахрий олими К.С. Ахмедов томонидан ташкил этилган бўлиб, унинг ишлари бугунги кунда сафдошларининг ҳурматига сазовор бўлган олим У.К.Ахмедов ва бошқа етук олимлар томонидан давом эттирилмоқда ва такомиллаштрилмоқда.

Юқориди санаб ўтилган ишларда асосий эътибор турли кимёвий ва табиий бирлашмалардан синтетик ва табиий усулда олинган мойловчи ёғларнинг таркиби ва хусусиятларига қаратилган. Нефт ва газ қудуқларини бурғулаш чуқурлигини ошириш мақсадида, бурғулаш эритмаси таркибининг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда ҳароратга чидамли ёғлар ва ёғ-мой саноати чиқиндиларини танлаш зарур. Бурғулаш қурилмаларини мойловчи ёғларни олиш ресурслари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бир тадқиқотчи таннархни пасайтириш мақсадида маҳаллий ресурсларидан фойдаланган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ФА-А13-Т131 «Рангли металлургия технологик қоришмаларини, нефт-газни қайта ишлаш чиқиндиларини ва ўсимлик мойини қайта ишлаш маҳсулотларини адсорбцион тозалаш технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хом-ашё ресурслари асосида мойловчи гилли бурғулаш эритмаларини олиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

катта чуқурликда бурғулаш эритмалари учун мойловчи мойларни олиш учун маҳаллий хом-ашё ресурсларининг таҳлили;

эмульсион типдаги гилли бурғулаш эритмалари тузилмасини мувозанатлашга мўлжалланган эмульгатор олишнинг технологик режимларини танлаш;

бурғу ва бурғулаш қурилмасининг бошқа ҳаракатланувчи элементларини юқори ҳароратли мойлашга мўлжалланган бурғулаш эритмаларининг, табиий эмульгаторларни қўллаган ҳолда, рецептураларини ишлаб чиқиш;

юқори ҳароратли шароитда, чуқур қудуқларни (1500 метрдан ортиқ) бурғулашда ишлатилаётган бурғулаш қурилмасини мойлаш усулини ишлаб чиқиш;

бурғулаш қурилмасини мойлашнинг оптимал технологик режимларини танлаш;

аномал юқори ҳароратли шароитда ишловчи бурғулаш қурилмасини мойлашнинг ишлаб чиқилган технологик режимларнинг саноат синовини ўтказиш;

юқори чуқурликка мўлжалланган нефт ва газ бурғулаш қурилмаларида ишлаб чиқилган мойлаш мойини қўллашдан кутилган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида пахта ёғини гидратация қилиш усули билан олинган техник фосфолипидлари ва триацилглицеридлари ҳамда бурғулаш қурилмаларини мойлашда ишлатиладиган, юқорида айтиб ўтилган липидларни ўз таркибига олган мойловчи ёғлар, шунингдек ёғ-мой саноати ёғ чиқиндилари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бурғу ва бурғулаш қурилмаларини мойлашда ишлатиладиган техник фосфолипидлар ва триацилглицеридлар асосида тайёрланган мойловчи ёғларни олиш ва қўллашнинг муқобил технологик режимини ўрнатиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида физик-кимёвий, коллоид-кимёвий усуллар, ГЖХ, ИК- и ЯМР спектроскопия ва бошқа стандартлаштирилган хом-ашё ва олинадиган маҳсулотларни таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ўсимлик ёғларидан (хусусан пахта ёғидан) олинган техник фосфолипид ва триацилглицеридларнинг таркиби ва хусусиятлари аниқланган;

техник пахта ёғларидан уларни гидратациялаш усули 2 %ли лимон кислотаси сувли эритмасидан фойдаланган ҳолда фосфолипид ва триацилглицеридларни ажратишнинг асосий технологик кўрсаткичлари аниқланган;

мойловчи реагентлар сифатида ишлатилинадиган фосфолипидлар ва триацилглицеридлар бурғулаш эритмасининг рецептураси ишлаб чиқилган;

юқори ҳароратли шароитда ишловчи, чуқур бурғулаш қурилмаларида ишлатиладиган мойловчи ёғларнинг мойлаш хусусиятлари аниқланган;

бурғулаш қурилмаси учун мойловчи ёғни қўллаш ва олишнинг муқобил технологик шартлари ишлаб чиқилган;

маҳаллий хом-ашё ресурслари асосида мойловчи гилли бурғулаш эритмаларини олиш технологиясини ва уларни қўлланилиши технологияси такомиллаштирилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

техник пахта ёғининг фосфолипидлари ва триацилглицериддан олинадиган мойловчи ёғларнинг таркиби ишлаб чиқилган;

бурғуни ва бурғулаш қурилмасининг бошқа ҳаракатланувчи элементларини ишлаб чиқилган мойловчи ёғлар билан мойлаш усули яратилган;

чуқур кудуқларни бурғулашда қўлланиладиган фосфолипид, триацилглицерид аралашмаларини олиш ва қўллашнинг мақбул шартлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Олинган натижалар кимёвий ва физик-кимёвий замонавий тадқиқот усулларини қўллаш орқали илмий таҳлил усулларининг комплекслари билан асосланган ҳамда фосфолипидларнинг триацилглицеридлар билан аралашмаларини олиш ва улардан фойдаланиш технологияси тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта ёғидан фосфолипид билан триацилглицериднинг ажратиб олиш ва уни бурғулаш эритмаларига мойловчи реагент сифатида киритилиши, бурғулаш жараёнидаги ҳароратни сақлаб туриши ва қурилмаларни мойлаб, гилли корканинг ёпишқоқлигини камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, фосфолипидларнинг техник пахта ёғидан лимон кислотасининг 2% сувли эритмаси билан гидратация қилиш йўли билан олинган триацилглицеридлар билан аралашмаси нефт ва газ қазиб олишда чуқур (1500 метрдан ортиқ) кудуқларда бурғулаш эритмаларининг эмульгатори сифатида ишлатилиши, ҳамда ўқув муассасаларида кимё ва кимёвий технология соҳаларида магистрлар ва бакалаврларни тайёрлашда ўқув жараёни учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Маҳаллий гил минераллари асосида кўп функционал бурғулаш эритмаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта ёғларидан фосфолипид сирт фаол моддаларини ажратиб олиш технологияси «Фаргона ёғ-мой» АЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 2 февралдаги 03-17-5/25-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий хом-ашёлар асосида бурғулаш эритмалари учун мойловчи реагент олиш имконини беради;

СД-1 мойловчи реагентни бурғулаш эритма таркибига қўшиб бурғулаш жараёнига қўллаш технологияси «Бухоронефтьгазпармалаш» АЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекнефтьгаз» АЖнинг 2021 йил 2 февралдаги 03-17-5/25-сонли маълумотномаси). Натижада, нефт ва газ бурғулаш қурилмасининг юқори мойлаш кўрсаткичларига эга бўлган бурғулаш эритмаси олиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақолалар нашр этилган. Улардан 1 та монография, ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 3 та республика ва 4 та хорижий журналларда чоп этилган

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган. Диссертация 129 бетдан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, предмети ва объектлари, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослаб берилган. Илмий янгилик очиб берилган ва тадқиқотнинг амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг «**Бурғулаш эритмаларини ва мойловчи реагентларни олиш ва қўллаш технологияласини яратиш муаммоларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида (адабиётлар таҳлили) бурғулаш эритмаларини ишлаб чиқариш, хусусан чуқур, юқори ҳароратли ва тузли қудуқлар учун мойлаш материаллари соҳасидаги таниқли илмий тадқиқот ишлари тақдим этилган. Гилли минераллар, юқори самарали қўшимчалар ва бошқалар асосида бурғулаш эритмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг технологияси ва техникасининг ривожлантиришнинг илмий йўналишлари кўрсатилган. Бу муаммонинг тизимли таҳлили асосида ушбу диссертация тадқиқотларининг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Иккинчи боб «**Мойловчи ёғлар ва гилли бурғулаш эритмаларини таҳлил қилиш усуллари ва тажриба техникаси**», эмулгация қилувчи ёғлар ва мойлар қўшилган гилли бурғулаш эритмаларини таҳлил қилиш услубларига, мойлаш ёғлари ва бурғулаш эритмаларининг эмульгаторлари сифатида фосфолипидлар ва триацилглицеридларнинг аралашмасини олиш учун лаборатория жиҳозларининг тавсифига бағишланган. 1-жадвалда келтирилган

бурғулаш эритмаларини мойлаш учун тавсия этилган компонентлари сифатида фосфолипидлар ва ТАГ нинг асосий кўрсаткичлари ўрганилди.


1-жадвал

**Техник форпресс пахта ёғидан олинган триацилглицеридлар билан фосфолипидлар аралашмасининг кўрсаткичлари**

Физик-кимёвий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қийматлар оралиғи
<b>Таркиб:</b>		
кул	%	1,5 - 3,2
азот	%	1,1 - 1,2
фосфор	%	3,6 - 3,8
умумий углеводородлар, шу жумладан	%	3,5 - 4,1
эркин	%	1,3 - 1,5
боғланган	%	2,2 - 2,6
совунланмайдиган липидлар	%	4,3 - 4,8
госсипол	%	2,2 - 3,1
<b>Мой-кислотали таркиб:</b>		
палмитик	%	22,2 - 24,6
стеариник	%	3,0 - 3,2
олеиник	%	17,0 - 17,1
линоллик	%	55,1 - 57,4
линоленик	%	0,1 - 0,4

1-жадвалдан кўриниб турибдики, форпресс пахта ёғи гидрациядан сўнг, таркибида совунланмайдиган моддалар, углеводородлар ва фосфор бирикмалари юқори бўлган фосфолипидларнинг триацилглицеридлар билан аралашмасини ажратиб чиқаради. Тўйинган мой кислоталарининг мой кислотаси таркибидан палмитик кислота ва тўйинмаган ёғ кислоталарида эса линоллик кислота асосий қисмни ташкил этади. Бу бурғулаш эритмалари учун олинган мойловчи ёғларнинг сиртларни фаол мойлаш хусусиятларини асослашга имкон беради.

1-расмда пахта ёғларини гидратация қилиш йўли билан ажратилган фосфолипидлар триацилглицеридлар аралашмада госсиполни аниқлаш учун ВЭЖХ хроматограммаси тасвирланган.



**1-расм. Оддий усулда 0,7 мл / мин оқим тезлигида гидратланган пахта ёғи миқдорий таҳлилининг хроматограммаси. 3,931 мин. 40,5318% госсипол**

1-расмдан кўриниб турибдики, госсиполни эркин госсипол билан бирга унинг ҳосилалари томонидан ҳосил бўлишини кўрсатади, бу шубҳасиз олинган мойловчи ёғларининг юзаларни мойлаш фаоллиги хусусиятларига таъсир қилади.

Бундан ташқари, мойловчи гилли бурғилаш эритмалари олиш учун ишлатилган маҳаллий лойларни таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Учинчи боб «**Мойловчи реагентларни техник пахта ёғидан ажратиб олишни тадқиқотлаш ва уларни гилли бурғулаш эритмаларини ишлаб чиқаришда қўллаш**»ни ўрганишга, эмульсион бурғулаш гилларини ишлаб чиқариш учун фосфолипидларнинг триацилглицеридлар билан аралашмаларидан фойдаланишга, фосфолипидлар триацилглицеридлар аралашмаси ёрдамида мойлаш ва антикоррозион бурғулаш эритмани ишлаб чиқаришга бағишланган. Шунингдек, ушбу бобда маҳаллий гил ва мойловчи ёғлар асосида олинган эмульсияли бурғулаш эритмаларини ўрганиш, гилли бурғулаш эритмаларидаги маҳаллий мойлаш қўшимчаларини ўрганиш, пахта фосфолипидлари ва уларнинг лецитин фракцияларидан эмульсияли мойловчи бурғулаш эритмаларини тайёрлашда эмульгатор сифатида фойдаланиш масалалари ҳам ёритиб берилган.

Фосфолипид сирт фаол моддаларининг ўзига хос хусусиятлари комплекси туфайли уларни гилли бурғулаш эритмаларида ишлатиш қудуқ бурғулашнинг юқорида айтиб ўтилган муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

2-жадвалда СД-1 дан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган бурғулаш эритмаларининг янги рецептуралари синов натижалари келтирилган.

## 2-жадвал

### Бурғулаш эритмаларининг кўрсаткичларини СД-1 миқдорига боғлиқлиги

Рецепт тартиб рақами №	Компонентлар таркиби, кг/м <sup>3</sup>					Бурғулаш эритмалари кўрсаткичлари		
	СД-1	Кауст. сода	Ишқорий бентонит	СаСО <sub>3</sub>	Гипан	Зичлик, г/см <sup>3</sup>	Қовушқоқлик, сП·с	рН
1	2,0	0,2	45,0 <sup>х)</sup>	100	20	1,24	15	9,5
2	4,0	0,4	45,0 <sup>х)</sup>	100	20	1,24	13	9,8
3	6,0	0,6	45,0 <sup>х)</sup>	100	20	1,23	11	10,0
4	2,0	0,2	45,0 <sup>хх)</sup>	100	20	1,24	17	9,5
5	4,0	0,4	45,0 <sup>хх)</sup>	100	20	1,24	14	9,8
6	6,0	0,6	45,0 <sup>хх)</sup>	100	20	1,23	10	10,0

Изоҳ: х) – Катта-кўрғон конининг ишқорий бентонити;

хх) – Навбахор конининг ишқорий бентонити.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, СД-1нинг массавий улуши 0,2 дан 6,0 кг/м<sup>3</sup> гача ортиши билан бурғилаш эритмасининг зичлиги 1,34 дан 1,42 г/см<sup>3</sup>гача ортади, қовушқоқлик эса аксинча 17 дан 10 сП·с гача камаяди ва рН кўрсаткичи 7,7дан 8,9гача ўзгаради.

Биз сувли асосда фосфолипидлар ва маҳаллий гилларни қўшиб олинган бурғилаш эритмаларини ўрганиб чиқдик. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

**СД-1 билан ва усиз маҳаллий лойлардан олинадиган бурғулаш эритмаларининг асосий параметрларининг ўзгариши**

Гил номи	СД-1 қўшилмаганда		СД-1 қўшилганда	
	қовушқоқлик, с (СПВ-5 бўйича)	Корка ёпишқоқлиги	қовушқоқлик, с (СВВ-5 бўйича)	Корка ёпишқоқлиги
Навбахор ишқорли бентонити	28	24 <sup>0</sup>	30	11 <sup>0</sup>
Навбахор бонатли палигорскити	20	21 <sup>0</sup>	21	13 <sup>0</sup>
Катта-кўрғон бентонити (назорат)	25	23 <sup>0</sup>	26	12 <sup>0</sup>

3-жадвалда келтирилган тадқиқот натижаларидан, фосфолипид сирт фаол моддаларини сув асосида олинган гилли бурғулаш эритмаларида қўллаш самарали усул деган хулосага келиш мумкин. Бу чуқур кудуқларни турли хил минерал қатламлари ва юқори концентрацияли сув билан бурғулаш технологиясини такомиллаштириш бўйича бир қатор технологик муаммоларни ҳал қилишга имкон беради. Бурғулаш эритмаларига фосфолипид сирт фаол моддаларининг қўшилиши уларга юқори мойлаш хусусиятини беради, бу эса қурилма элементларининг зарурий мойланиши, рухсат этилган эмульсия кўпикланиши ва бурғудаги ҳароратни таъминлайди. Ҳар хил маҳаллий гил минералларидан олинадиган бурғулаш эритмаларининг ёпишқоқлигининг пасайиши фосфолипидлар таркибида триглицеридлар борлиги билан боғлиқ.

Шундай қилиб, фосфолипидлар триацилглицеридлар аралашмаси бурғулаш эритмаларида бир нечта кўринишдаги мицеллалар ҳосил қилиши мумкин, бизнинг фикримизча охиригининг таркиби ва хусусиятлари ўзгаради. Фосфолипид ва триацилглицерид қўшимчали бурғулаш эритмалари ўзининг иссиқлик-туз кўрсаткичларига кўра чет элдан харид қилинаётган намуналардан қолишмайди.

Тадқиқотлар натижасида СД-1нинг гилли бурғулаш эритмаларининг хусусиятларига таъсири аниқланди, натижалари 4-жадвалда келтирилган.

**Бурғулаш эритмаси кўрсаткичлари СД-1 сарфланишига боғлиқ ўзгариши**

СД-1 сарфи, %	Эритма кўрсаткичлари				
	зичлик $\rho$ , кг/м <sup>3</sup>	рН	Шартли қовушқоқлик, с	Сув ажратиш, см <sup>3</sup> /(30 мин)	Корка қалинлиги К, мм
0,5	1140	10,0	28	9	1,7-2,1
1,0	1140	9,9	28	8,6	1,7-2,0
1,5	1130	9,8	29	8	1,6-1,9
2,0	1125	9,7	30	7,8	1,5-1,7
2,5	1123	9,5	31	7,6	1,3-1,5
3,0	1120	9,4	33	7,5	1-1,5

4-жадвалдан кўришиб турибдики, СД-1 0,5 дан 30% гача бурғулаш эритмада сув ажралишининг сезиларли даражада пасайишига ёрдам беради. Бурғулаш суюқлигидаги СД-1нинг оқилона истеъмоли унинг умумий массасининг 1,5 дан 2,5% гача ўзгаради.

Ёпишқоқлик кўрсаткичлари ва ишқаланиш коэффициентини аниқлаб, бурғулаш эритмага кўшимча сифатида тавсия этилган пахта фосфолипидларининг мойлаш хусусияти ўрнатилди.

Мавжуд ФК-2000 билан таққослагандаги таҳлил натижалари 5-жадвалда келтирилган.



**5-жадвал**

**СД-1 табиатининг корка ёпишқоқлиги ва ишқаланиш коэффициентига таъсири**

Мойлаш кўшимча тури	зичлик $\rho$ , кг/м <sup>3</sup>	СНС, Па	Корка қалинлиги К, мм	Корка ёпишқоқлиги	Ишқаланиш коэф-ти
Дастлабки эритма	1,16	8/11	0,6	24 <sup>0</sup>	0,46
ФС-2000 (назорат)	1,16	9/6	0,6	12 <sup>0</sup> 45'	0,24
СД-1	1,16	3/6	0,6	10 <sup>0</sup> 15'	0,18

5-жадвалдан кўришиб турибдики, тавсия этилган пахта фосфолипидлари бурғулаш воситасини самаралироқ мойлайди, бу эса ФК-2000 га нисбатан пастроқ ёпишқоқлик ва ишқаланиш коэффициенти билан тасдиқланади. Шунини таъкидлаш керакки, пахта фосфолипидларидан фойдаланиш қудуқларни бурғулашда бурғулаш коллонасининг зўриқишини ва ёпишишини олдини олишга имкон беради ва маҳсулотли горизонтни очганда керакли фильтр қатламини ҳосил қилади ва бурғулаш эритмаси фильтратининг минимал киришини таъминлайди.

Биз фосфолипидлар асосида олинган бурғулаш эритмасининг структура ҳосил қилиш қобилиятига (СНС) таъсирини ўргандик. Натижалар график шаклида 2-расмда келтирилган.



**2-расм. Гилли бурғулаш эритмаси таркибидаги СД-1 миқдорига ва ҳароратга қараб СНС кўрсаткичининг ўзгариши**


**3-расм Қовушқоқликнинг бурғулаш эритмаси таркибидаги СД-1 миқдори ва ҳароратга (T<sub>1</sub>-T<sub>3</sub>) қараб ўзгариши**

2-расмда СД-1 ҳарорат 20 дан 60 °С гача кўтарилганда ҳам эритманинг СНС кўрсаткичини пасайтириш хусусиятига эга эканлигини кўриш мумкин.


3-расмда ковушқоқликнинг СД-1 миқдори ва ҳароратга қараб ўзгариши кўрсатилган.

3-расмда СД-1 миқдорига қараб ҳарорат 20 дан 60 °С гача кўтарилганда эритманинг ковушқоқлиги нисбатан камроқ кўтарилаётганини кўриш мумкин, бу эса бурғулаш ишлари сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Бурғулаш эритмалари, айниқса эмульсионлари, кўпик ҳосил қилиш қобилиятига эга, бу эса бурғулаш жараёнларини мураккаблаштиради ва даладаги экологик вазиятни ёмонлаштиради. Шунинг учун биз фосфолипидларнинг эмульсион гилли бурғулаш эритмаларининг кўпикланиш қобилиятидаги ролини ўрганиб чиқдик, натижалари 4-расмда тасвирланган.



**4-расм. Гилли бурғулаш эритмаси таркибидаги СД-1 (Ф) миқдорига ва ҳароратга қараб кўпикланиш хусусиятининг ўзгариши**



**5-расм. Гилли бурғулаш эритмаси таркибидаги СД-1 (Ф) миқдорига ва ҳароратга қараб корка ёпишқоқлигининг ўзгариши**

4-расмдан кўриниб турибдики, бурғулаш эритмаларидаги фосфолипидлар миқдорининг 0 дан 8,0% гача кўпайиши эмульсиянинг кўпикланиш қобилиятини ҳар хил ҳароратларда (Т<sub>1</sub>-Т<sub>3</sub>) 57-83дан 40-46% гача пасайтиришга ёрдам беради.


Бурғулаш эритмалари, хусусан, эмульсионларининг тузлар ва бошқаларни чиқариб ташлашни тавсифловчи муҳим кўрсаткичларидан бири бу уларнинг корка ёпишқоқлиги кўрсаткичидир. Шунинг учун бу кўрсаткичга амалда алоҳида эътибор берилади. СД-1 таркибига ва эмульсия эритмаси ҳароратига (Т<sub>1</sub>-Т<sub>3</sub>) қараб бурғулаш эритмаларини корка ёпишқоқлигини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотларимиз натижалари 5-расмда кўрсатилган.

5-расмдан кўриниб турибдики, СД-1 олинган бурғулаш эритмаларини корка ёпишқоқлигига (Л.К.) ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг ҳарорати (Т<sub>1</sub>-Т<sub>3</sub>) 20 дан 80 °С гача кўтарилиши эмульсиянинг корка ёпишқоқлигини 35 дан 63% гача оширади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар техник пахта фосфолипидларининг бурғулаш эритмаларида ўрганиш мойлаш самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлари (структура ва кўпик ҳосил қилиши, шунингдек корка ёпишқоқлиги) бўйича ролини миқдорий баҳолаш имконини беради. Мойловчи бурғулаш эритмасининг сифатини бундай ҳар томонлама баҳолаш, бурғулаш эритмаларини нефт ва газ (эмульгирлаш, кўпик ҳосил қилиш ва ювиш қобилияти) учун қазилаётган қудуқларнинг тегишли чуқурликларига мослиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Тўртинчи боб «Маҳаллий хом ашё асосида мойловчи реагент ва бурғулаш эритмаларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш», СД-1 олишнинг технологик схемаси ва технологик режимларининг нормаларини ишлаб чиқишга бағишланган, шунингдек, уларнинг асосида мойлаш учун бурғулаш эритмаларини олиш схемаси таклиф қилинган.

6-расмда фосфолипидлар ва уларнинг лецитин фракциясидан, шунингдек, маҳаллий лой минералларидан фойдаланишга асосланган эмульсия бурғулаш эритмалари олиш учун ишлаб чиқилган технологик схема кўрсатилган.



- 1-гилли минералларни етказиб беришнинг линияси; 2-минералларни йиғиш бункери; 3-гилли минералларни майдалаш учун майдалагич; 4-гилли минералларни саралаш учун тўр; 5- майдаланган гил минералларнинг кукунини йиғичга 10 узатиш учун конвейер; 6, 7 ва 8-сув, фосфолипидлар ва қўшимчалар йиғиш учун бункерлар; 9-оқим ўлчагич; 11-бурғулаш эмульсиясини аралаштириш учун миксер; 12-бурғулаш эритмасининг гил эмульсиясини кудукқа куйиш учун насос; 13-лой эмульсиясини қайта айлантириш учун линия; 14- бурғулаш эмульсиясини тўғридан-тўғри кудукқа етказиб бериш линияси; 15-ушбу қурилманинг бошқарув панели.

**6-расм. Маҳаллий хом ашёлардан фойдаланишга асосланган эмульсияли бурғулаш эритмаси ишлаб чиқариш линиясининг технологик схемаси**

Хом пахта ёғи таркибида токсик моддалар - госсипол мавжуд бўлиб у гидратация жараёнида олинадиган фосфолипидлар таркибига айланади. Шунинг учун бундай ёғнинг фосфолипид сирт фаол моддаси техник мақсадларда ишлатилади (бўёқ ва лак эмульсиялари, ёпишқоқликни камайтирувчи воситалар, кўпик чиқарувчи моддалар ва бошқаларни ишлаб чиқаришда).

6-жадвалда пахта мойларидан фосфолипид сирт фаол моддаларини ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқилган технологиянинг синов натижалари кўрсатилган.

**6-жадвал**

**Фосфолипид сирт фаол моддалар чиқишининг ёғ турига ва унинг гидратланиш шароитига қараб ўзгариши**

Гидратланган ёғ тури	Гидратация шароити		Фосфолипид СФМларнинг чиқиши
	Сув сарфи, %	Ҳарорат, °С	
Прессланган пахта ёғи	4,0	40	92,0
Пахта ёғи экстракцияси	4,0	40	94,5
Прессланган пахта ёғи	6,0	60	92,6
Пахта ёғи экстракцияси	6,0	60	94,9

6-жадвалдан кўриниб турибдики, фосфолипид сирт фаол моддаларининг энг юқори рентабеллиги қуйидаги шароитларда экстракцион пахта ёғини гидратлашда олинади: сув сарфи 6,0% ва ҳарорат 60 °С.

Шундай қилиб, фосфолипид сирт фаол моддаларининг энг юқори маҳсулдорлигини экстракция усули билан олинган пахта ёғини 4,0-6,0% сув сарфи ва 60 °С ҳароратда гидратация қилиш йўли билан олиш мумкинлиги аниқланди.

Пахта ёғидан олинаниган СД-1дан фойдаланиш гилли бурғулаш эритмасини стабиллаштиради ва унга мойлаш хусусиятларини беради. Лецитин таркибидаги техник мой гидратлананиган фосфолипидлар билан бойитилган эмульсион бурғулаш эритмасини ҳосил қилади.

7-жадвалда СД-1 сарф қилинишига қараб бурғулаш суюқлиги ва кудук кўрсаткичларининг тажриба-ишлаб чиқариш натижалари кўрсатилган.

**7-жадвал**

**Бурғулаш эритмаси асосий кўрсаткичларининг СД-1 сарфига боғлиқлиги**

СД-1 сарфи, %	Эритма кўрсаткичлари					
	зичлик ρ, кг/м <sup>3</sup>	рН	вақт t, с	Сув ажратиш, см <sup>3</sup> /30мин	Корка қалинлиги К, мм	С.О., %
1,0	1130	9,6	35	9,0	2,1	3,9
2,0	1080	10,7	46	8,0	1,4	3,4
3,0	1060	12,0	59	7,0	0,7	3

7-жадвалдан кўриниб турибдики, СД-1нинг 1,0 дан 3,0% гача қўшилиши гилли бурғулаш эритмаси сув ажратишининг сезиларли пасайишига олиб келади. Бурғулаш эритмасидаги СД-1нинг энг мақбул сарфи унинг умумий массасининг 1,0 дан 2,0% гача.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, СД-1 мойлаш хусусиятларини намоён этади, бу бурғулаш ускунасининг ишлаш муддатини узайтириш учун жуда муҳимдир.

8-жадвалда мойлаш қўшимчаси табиатининг корканинг ёпишқоқлиги ва ишқаланиш коэффициентига таъсирининг қиёсий таҳлил натижалари кўрсатилган.

**8-жадвал**

**Мойлаш қўшимчаси табиатининг корка ёпишқоқлиги ва ишқаланиш коэффициентига таъсири**

Қўшимча тури	Зичлик $\rho$ , г/см <sup>3</sup>	СНС, Па	Корканинг қалинлиги К, мм	Корканинг ёпишқоқлиги, 0,1	Ишқаланиш коэффициенти
Дастлабки бурғулаш эритмаси	1,15	10/12	0,5	25 <sup>0</sup>	0,48
СД-1	1,17	9/11	0,5	10 <sup>0</sup> 25'	0,15
ОП-10 (назорат)	1,16	9/11	0,6	16 <sup>0</sup> 15'	0,19

8-жадвалдан кўриниб турибдики, тавсия этилган СД-1 реагенти бурғулаш воситасини самаралироқ мойлайди, бу эса нисбатан паст ёпишқоқлик ва ОП-10га нисбатан корканинг ишқаланиш коэффициенти билан тасдиқланади. Шунини таъкидлаш керакки, қудукни бурғулаш пайтида техник пахта лецитинидан фойдаланиш бурғулаш колоннасининг зўриқилишини ва ёпишишини олдини олишга имкон беради ва маҳсулотли горизонтни очганда керакли фильтр қатламини ҳосил қилади ва бурғулаш эритмаси фильтратининг минимал киришини таъминлайди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар сирт фаол моддалар сифатида пахта ёғини пресшлаш ва экстракция қилишда олинган эмульсификатор ва мойлаш техник лецитинини тавсия этишга имкон берди. Улар нафақат эмульсиялаш қобилиятини, балки антиоксидант хусусиятларини ҳам намойиш этади.

Ишлаб чиқилган технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида иқтисодий самарадорлик йилига 1000 тоннани ташкил этади:

$$\mathcal{E} = [(1995000 - 1070000) - 0,15 \cdot 500000] \cdot 1000 = 850\,000\,000$$

ёки йилига 850,0 миллион сўмни ташкил этди.

Шундай қилиб, маҳаллий хомашё асосида мойловчи гилли бурғулаш эритмаларини ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясини жорий этиш натижасида иқтисодий самара йилига 850,0 млн сўм.

## ХУЛОСА

1. Маҳаллий хомашё ва улар асосида олинадиган бурғулаш эритмаларининг асосий кўрсаткичлари аниқланди.

2. Захарли госсиполнинг ёғ таркибида 1,2 дан 0,7 %гача камайтирувчи гидратланадиган сув сарфи техник ёғ умумий масса улушидан келиб чиқиб 1,0 дан 6,0 %гача ўзгаришини кўрсатади.

3. СД-1 мойловчи реагентини 95%дан кўп миқдорда олиш мақсадида экстаркцион пахта ёғини 2% лимон кислотали сув эритмаси билан 40-50 °С ҳароратда гидратация қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. СД-1 реагентининг гилли суспензияларни мойлаш активлиги, яъни гилли корка ёпишқоқлиги 24<sup>0</sup> дан 10<sup>0</sup>15' гача пасайиши аниқланди ва бу кўрсаткич импорт қилинадиган турдоши ОП-10нинг шу кўрсаткичидан 17%га яхшироқ бўлишини кўрсатади.

5. СД-1 миқдорининг ошиши (1,0 дан 6,0%гача) ва бурғулаш суюқлигининг ҳарорати 80 °С гача кўтарилганда ҳам тузилиш (СНС), корка ёпишқоқлиги, мойлаш хусусиятлари ва кўпикланиш барқарорлиги қийматлари сақланиб қолиниши кўрсатилди.

6. Техник пахта ёғидан 2%ли лимон кислотасининг сувли эритмаси билан гидратациялаш йўли билан СД-1 мойлаш реагентини олиш технологияси ишлаб чиқилди. Маҳаллий хомашё асосида мойлаш хусусиятлари оширилган гилли бурғулаш эритмаси олиш технологияси такомиллаштирилди.

7. Маҳаллий хомашё асосида мойлаш хусусиятлари оширилган гилли бурғулаш эритмалари ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясини жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара йилига 850,0 млн. сўмни ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**УРИНОВ СОБИР НАСИЛЛОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ  
СМАЗЫВАЮЩИХ ГЛИНИСТЫХ БУРОВЫХ РАСТВОРОВ НА ОСНОВЕ  
МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ**

**02.00.11- Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером В2020.3.PhD/Т1782 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научный руководитель:**

**Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович**

доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Хамидов Босит Набиевич**

доктор технических наук, профессор

**Тошев Шерзод Орзиевич**

PhD (технические науки), доцент

**Ведущая организация:**

**Наманганский институт инженерных технологий**

Защита диссертации состоится 29 сентября 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [ionxanguz@mail.ru](mailto:ionxanguz@mail.ru)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 10, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан 15 сентября 2021 года.  
(протокол рассылки № 10 от 15 сентября 2021 года).



**Б.С.Закиров**

Председатель Научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.х.н., профессор

**Д.С.Салиханова**

Учёный секретарь Научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.т.н., профессор

**Ш.С.Намозов**

Заместитель председателя Научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёной  
степени, д.т.н., профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всём мире ведутся научно-исследовательские работы по совершенствованию процессов бурения глубоких скважин нефти и газа, где высокие температуры изнашивают металлическое оборудование буровой установки и приводят его к аварийной ситуации. Для снижения высокотемпературного воздействия на долото, и другие вращающиеся части бурильной установки рекомендуется часто смазывать их различными маслами, получаемыми синтетическим и натуральным способами. Из них последние считаются более доступными, дешёвыми смазками т.к. их в основном получают из местных масел, а также их отходов. Решение данной проблемы имеет большое значение для масштабного развития добычи нефти и газа в стране и расширения фонда действующих скважин.

В настоящее время в мире при глобальной конкуренции по добыче нефти и газа, ведутся научные исследования по получению и применению смазывающих буровых растворов на основе местных сырьевых ресурсов. В этом направлении отдельное внимание уделяется: подбору и применению эффективных смазок, полученных на основе вторичных продуктов масложировой промышленности; созданию условий смазки долота и других подвижных узлов буровой установки в глубоких (более 1500 метров) скважинах добычи нефти и газа; регулированию температуры в различных глубинах скважины с учётом которых организуются процессы смазки узлов буровой установки нефти и газа.

В Республике Узбекистан достигнуты результаты по получению буровых растворов на основе местного сырья, совершенствованию техники и технологии добычи нефти и газа в глубинных скважинах с высокими температурами. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечена «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путём перевода её на качественно новый уровень, направленное на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»<sup>1</sup>. В этом направлении, проведение научных исследований по созданию и применению смазочных масел в буровых установках нефти и газа, работающих в глубинных скважинах считается актуальной задачей.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», №УП-5646 от 1 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отрасли Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3236 от 23 августа 2017 г. «О программе развития химической

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

промышленности на 2017-2021 годы», а также в других нормативно – правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII. «Химическая технология и нано-технология».

